



EZGU FIKR, EZGU SO‘Z, EZGU AMAL!

8-DEKABR – O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KONSTITUTSIYASI KUNI

ILM
SARCHA SHMALARI

AL-XORAZMIY NOMIDAGI
URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-METODIK JURNALI



2013 – 11

MUNDARIJA

8-DEKABR – O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI QABUL QILINGAN KUN

Я. Олламов. Конституциямиз – давлат ва жамият ривожланиши, демократик тараққиётнинг ҳуқуқий асоси.....	3
--	---

OGAHIYXONLIK

А. Аҳмедов. Огаҳий ва Табибийнинг бир ҳамд газали.....	9
М. Махмудов. Муҳаммадризо Огаҳийнинг мироблик фаолияти.....	11

MATEMETIKA

Р. Мадрахимов. Матрица ўзгарувчи даражали каторлар.....	13
---	----

TIBBIYOT

Н. Қурбанова, А. Машарипов. Суд-тиббийет экспертизасида биокимёвий таҳлилларнинг аҳамияти	16
---	----

FALSAFA VA TARIX

Х. Алиқулов. Фаридиддин Атторнинг тасаввуфий қарашларида нафс тушунчасининг талқини.....	20
М. Сафарбоев. Орзунинг орзулари ёхуд гўзал ахлоқ.....	24
Ш. Исқандаров. Замонавий араб ёшлари этномаданияти: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар.....	28
А. Қайнозаров. Из истории рисоводства Каракалпакстана.....	31

TILSHUNOSLIK

Д. Абдувалиева. Алишер Навоий тарихий асарларида қўлланган туркий лексемаларнинг кадимги туркий тил ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати.....	36
И. Азимова. Афазия тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатида.....	40
Ф. Курбанова. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари тезаурусини яратиш асослари.....	44
З. Хожиева. Парадигмы научного знания в современной лингвистике.....	48
С. Мустафаева. Хитой тилида "оханг" тушунчасини билдирувчи атамалар хусусида.....	52

ADABIYOTSHUNOSLIK

Х. Самигова. Пиримкул Қодировнинг "Хумоюн ва Акбар" тарихий романида риторик аспектнинг миллий хусусиятлари.....	56
Л. Хасанов. Определение жанра детектива и некоторые особенности его поэтики.....	59
Н. Локтева. Жанр "Семейной хроники" в американской литературе XX века.....	63

ILMIY AXBOROT

Д. Кулмаматов, О. Чупанов. Письмо Российских должностных лиц к Хивинскому послу Палванкулибеку и его тюркский перевод XVII в.	67
Д. Курбанова. Северо-восточное Приаралье в древнем мире Средней Азии: социально-экономические и этнокультурные отношения.....	70

кий тил, эски туркий тил ва эски ўзбек адабий тили ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тили дав-ридаги лексик хусусиятлари ақс этганлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Аширатиев К. Древнетюркские элементы в современных тюркских языках. На материале орхон-енсейских памятников. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Фрунзе, 1969
2. Базарова Д. Х., Шарипова К. А. Развитие лексики тюркских языков Средней Азии и Казахстана. Ташкент, "Фан", 1990.
3. Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VII века. Алма-Ата, 1971.
4. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик катламлари. Тошкент, "Фан", 1985, 65–73-бетлар.
5. Алишер Навоий. Тарихи мудуки Ажам. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ғн олтинчи том, Тошкент, 2000.
6. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ғн олтинчи том, Тошкент, 2000.
7. Алишер Навоий асарлари тилининг изохли лугати. I–IV жилдлар, Тошкент, "Фан", 1983–1985, I, 553-бет.
8. Древнетюркский словарь. Л., "Наука", 1969.
9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати (туркий сўзлар). Уч жилдлик. I жилд, Тошкент, "Университет". 2000, 167-бет.
10. Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиев А., Расулов Н., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм, Тошкент, "Ўқитувчи", 1980, 107–108-бетлар.
11. Севортян Э. В. Этимологический словарь тюркских языков. М., "Наука", 1978, II, с. 48.
12. Махмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Индекс. Тошкент, "Фан", 1963, 3-том, 250-б.
13. Навоий асарлари учун қискача лугат. Тошкент, "Фан", 1993, 48-бет.

Ирода АЗИМОВА (ЎЗМУ)

АФАЗИЯ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Аннотация. Ушбу мақолада нутқ патологияси ҳисобланган афазиянинг тилшунослик томонидан ўрганилиши ҳақида сўз юритилади. Бугунги кунда Фарбда олиб борилаётган тадқиқотларга таяниб, афазия нутқда тил тизимининг ақс этишига доир мисоллар, шунингдек, лингвистик омилларнинг афазия нутққа таъсири хусусида маълумот берилди.

Аннотация. Данная статья об изучении афазии – патологии речи с лингвистической точки зрения. Основываясь на исследования западных специалистов, автор рассказывает об отражении языковой системы в афазии и о влиянии лингвистических факторов на речь больных афазией.

Annotation. The article is about studying aphasia – the speech pathology in linguistics. The author talks about how language system is represented in aphasia and which kind of linguistic features influence the performance of aphasic speakers on the basis of western neurolinguistic research.

Калим сўзлар: афазия, нутқ патологияси, семантик тизим, феъл, нейролингвистика.

Ключевые слова: афазия, патология речи, семантическая система, глагол, нейролингвистика.

Key words: *aphasia, speech pathology, semantic system, verb, neurolinguistics.*

Афазия нутқ патологияси сифатида тилшунослар эътиборини тортганига анча бўлган. Ғарбда бу мавзуга бағишланган минглаб китоблар, ўнлаб илмий даврий нашрлар бор, аммо ўзбек тилида етарли маълумот йўқ. Умуман, ўзбек тилидаги афазик нутқ тиббиётда ҳам, тилшуносликда ҳам махсус тадқиқ қилинмаган. Ғарбда афазия бўйича олиб борилган илмий изланишлар тил назариясини тўлдириб, бойитиб бораётганлиги афазиянинг тилшунослар томонидан ўрганилиши тилшуносликнинг ривожланишида самарали ёндашувлардан бири эканлигини исботлайди.

Афазия — инсон тилни ўзлаштириб бўлганидан кейинги вақтда миyaning алоҳида бир қисмидаги жароҳат натижасида юзага келган орттирилган лисоний нуқсондир. Одатда, миyaning бундай шикастланиши инсультнинг асорати бўлади. Бош миyanlаги тил сохалари шикастланган беморларда ҳам баъзан тилнинг бутунлай йўқолиши, баъзан тил тизимининг айрим элементларининг издан чиқиши кузатилади.

Қуйидаги парча инсульт натижасида нутқий қобиляти зарарланган ўзбек беморга тегишли:

Мутахассислигиниз нима? Аввал нима иш қилгансиз?

Ўқши...и. тил, тил, тил...английсикий, немецкий, француз, араб...

Дунё шу. Дунё... Америка бўлдим, Египет бўлдим, Яманда бўлдим, Турк бўлдим, йигирма беш, йигирма беш... Индия бўлдим, Англия бўлдим, Германия бўлдим, Швейцария бўлдим, Франция бўлдим, шу. Масков беш йил ... яшадим, яшадим.

Устоз, устоз, устоз, хориж мен директор...

Мазкур нутқда маълум сўзлар етишмаётганлигини, шунингдек, зарурий қўшимчалар тушириб қолдирилганлигини сезиш кийин эмас. Хусусан, феъллар камроқ қўлланган, келишик қўшимчалари, қўмакчилар, боғлама каби грамматик бирликлар тушиб қолган. Шунга қарамасдан, айтилмоқчи бўлган фикрни илғаш мумкин экан, демак, фикрлаш ва маънидан издан чиқмаган, балки унинг тилдаги ифодаланиш механизмига зарар етган деб хулоса қилиш мумкин.

Бу каби беморларнинг спонтан нутқини таҳлил қилиш, шунингдек, тажрибалар асосида лисоний бирликларнинг ифодаланиши ва тушунилишини текшириш тил тизимининг бизга маълум бўлмаган қирраларини очиш имконини беради. Ғарбда бу борада жуда кўп иш қилинган. Биз уларнинг тажрибасига таянган ҳолда, ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатлари асосида ҳам ўзбек тилшунослиги учун, ҳам умумий тил назарияси учун фойдали хулосалар бера оладиган тадқиқотларни амалга оширишимиз мумкин.

Афазиянинг ўрганилиш тарихи. Афазиянинг дастлабки ўрганилиши 1824–1880 йилларда яшаб ўтган француз олими Пол Брока номи билан боғлиқ. Унинг бир бемори бўлиб, ҳамма саволга “тан, тан...” деб жавоб берган. Шунинг учун уни “жаноб Тан” деб аташган. Жаноб Тан гапирилган гапни тушунса-да, жавобан “тан, тан”дан бошқа нарса айтмаган. Унинг ўлимидан сўнг миyаcи очиб кўрилганда миyаcининг олди қисмидаги учинчи бурмача ва иккинчи бурмачанинг бир қисми шикастлангани маълум бўлган. Миyаcининг мазкур сохалари лисоний фаолиятга масъул сохалар сифатида Пол Брока томонидан кашф этилгани учун фанда Брока соҳаси деб юритилади.

Пол Брока билан деярли замондош бўлган немис олими Карл Вернике (1848–1905) нутқ тезлиги рисоладагидай бўлган, аммо нутқи давомида кўплаб лисоний хатоларга йўл қўядиган, шунингдек, гапни тушунишга кийналадиган беморларни кузатган. У беморларнинг ўлимидан сўнг миyаcи текширилганда миyаcининг чакка қисмидаги биринчи бурмача ва иккинчи бурмачанинг бир қисми шикастлангани аниқланган. Миyаcининг мазкур соҳаси тилга масъул яна бир марказ сифатида фанда Вернике соҳаси деб аталади.

¹ Penfield W., Roberts L. Speech and Brain Mechanisms. Princeton, NJ: Princeton University Press, 1959.

Афазнологиянинг ривожланишидаги муҳим босқич Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқдир. Уруш даврида миясидан жароҳат олган аскарлар афазиянинг турли кўринишларини намойиш қилганлар. Аскарларни реабилитация қилиш марказларида афазик нутқ намуналари ёзиб олинган, турли тажрибалар ёрдамида аскарларнинг нутқий имкониятлари текширилган. Мазкур тадқиқотлар СССРда Александр Романович Лурия томонидан олиб борилган бўлса, АҚШда Ҳаролд Гудглас шу иш билан шуғулланган. Лурия тажрибавий тадқиқотларнинг натижалари асосида "Основные проблемы нейролингвистики" (М., 1976), "Язык и сознание" (М., 1979) каби асарларини яратган. Уларда нутқнинг яратилиши ва тушунилишига доир, тил билан боғлиқ ақлий вазифаларнинг инсон миясининг турли қисмларида тақсимланганлигига доир қимматли маълумотлар ва фикрлар берилган. Луриянинг деярли барча китоби инглиз тилига таржима қилинган ва Афазиянинг ўрганилиши тарихида Лурияни ҳақли равишда буюк олим сифатида тан олишди.¹

Бугунги кунда афазик нутқ АҚШ ва Европада кенг қўламда тадқиқ этилади. Бу тадқиқотлар тилшуносларни тайёрлайдиган олий таълим дастурларидан мустақкам ўрин олган бўлиб, клиник тилшунослик, нейролингвистика, психоллингвистика, тил ва оғз каби магистратура йўналишларида мутахассислар тайёрланади.

Афазик беморлар нутқида тил тизимининг акс этишига доир айрим мисоллар.

Афазияни ўрганишда турли тажрибалар қўлланади. Афазик беморнинг нутқий имкониятларини текшириш эркин нутқ, сўзни такрорлаш, расмни номлаш, расмни кўрсатиш, матн тинглаш ва саволларга жавоб бериш каби бир қатор топшириқлар воситасида амалга оширилади. Бу топшириқлар нутқнинг тўрт турли воқеланишини, хусусан, гапириш, тушуниш, ўқиш ва ёзишни текширишга мўлжалланган бўлади. Масалан, эркин нутқ, расмни номлаш каби топшириқлар гапиришни, айтилган сўзнинг расмини кўрсатиш, матн асосидаги саволларга жавоб бериш тушунишни, матн кўчириш ва диктант ёзиш, расмни ёзма номлаш кабилар ёзма нутқни, ҳарф ва матнларни ўқиш эса ўқиш қобилиятининг издан чиққан-чиқмаганлигини баҳолаш учун қўлланади. Афазик беморларнинг нутқлари таҳлил қилинганда уларда тил тизимининг маълум элементлари сақланиб қолганлиги, айримлари издан чиққанлиги қайд этилган. Масалан, Харт, Берндт ва Караматца МД номли бемор мева ва сабзавотларни номини айтишда қийналганини қайд этганлар.² У бемор қадимги ҳисоблаш ускунаси абакнинг ёки Сфинкснинг расмини кўриб, номини айта олган, аммо нок ёки апельсиннинг расмига қараб, уларнинг номини айта олмаган. МДнинг мазкур кўрсаткичлари инсон миясида сўзларнинг семантик категорияга кўра гуруҳланишини исботлайди.

Рapp ва Караматца ПВ номли бемор расмни ёзма ва оғзаки номлашда икки хил натижа кўрсатганлигини қайд этганлар.³ Жумладан, беморга чўтканинг расми кўрсатилганида бемор ёзма жавобда "чўтка" деб ёзган бўлса-да, оғзаки жавобда "тарок" деган. Шунингдек, пиёз расми кўрсатилганда ёзма "пиёз", оғзаки "банан", бойўғли расми кўрсатилганда ёзма "бойўғли" оғзаки "тошбака" жавобларини берган. Мазкур бемор оғзаки тўғри, ёзма хато жавоб берган ҳолатлар ҳамда ҳам ёзма, ҳам оғзаки хато жавоб берган ҳолатлар кўрсатилган. Масалан, ёстик расми кўрсатилганда ёзма "кровать"; оғзаки "ёстик", тил расми кўрсатилганда ёзма "тил", оғзаки "тил" дея жавоб берган. Пичок расми кўрсатилганда эса ёзма "кошик", оғзаки "вилка" жавобини берган. Кўришиб турибдики, хато жавоблар тасодифий сўздан иборат эмас, балки айтилиши керак бўлган сўз билан бир семантик гуруҳга маъсуб. Хатоларнинг гоҳ оғзаки жавобда, гоҳ ёзма жавобда кўзатилиши сўзларнинг онгда-

¹ Tesak J. Code C. Milestones in the history of aphasia. Theories and protagonists. 2008. p.153.

² Hart J., Berndt R. S., Caramazza A. Category-specific naming deficit following cerebral infarction. Nature. 1985, 316, 439-440.

³ Rapp B. C., Caramazza A. The modality specific organizations of lexical categories. Brain and Language. 1997, 56, 246-286.

ги инъикоси билан уларнинг нутқда вокеланишини боғлаб турувчи механизм шикастланганидан далолат беради. Бу каби тажрибавий кузатишлар асосида гарбда тил механизмининг моделлари ишлаб чиқилган. Инсон онгининг ишлашини моделлаштириш, бир карашда, психологиянинг вазифасидай кўринса-да, мазкур ўринда бу вазифа айнан тил билан боғлиқ бўлганлиги учун тилшуносликнинг хулосаларини ҳисобга олмасдан, уни амалга ошириб бўлмайди. Умуман олганда, замонавий илм-фан тараққиёти бугунги кунда чегарадош фан йўналишларининг ҳамкорликда ишлаши натижасида амалга ошайтгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбек тили тадқиқида ҳам когнитив нейробиология ва тилшуносликнинг ҳамкорлиги ўларок юзага келган нейролингвистик ёндашувни қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

Афазик беморлар нутқига лингвистик омиллар таъсири. Афазик беморларда кузатилган нуқсонлар маълум сўзнинг қўлланиш частотаси, тасаввур килиниш даражаси, жонли ёки жонсиз предметни билдириши каби экстралингвистик омиллар билан боғлиқлиги аниқланган. Масалан, баъзи беморлар гапирганда юқори частотали сўزلарни осонлик билан қўллаб, паст частотали сўزلарни ишлатишга қийналадилар. Шунингдек, бошқа беморлардан бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Бу тил механизми бузилишининг характери га боғлиқ бўлади.

Бундай экстралингвистик омиллардан ташқари айнан лингвистик омилларнинг таъсири ҳам қайд этилган. Хусусан, афазик бемор феъл сўз туркумига оид сўزلарни айтишга қийналади, от сўз туркумига оидларини эса нисбатан осонроқ қўллаш олиши катор тадқиқотларда кўрсатилган.¹ Бу қийинчиликлар туб когнитив универсалиялар орқали тушунтирилган, яъни отлар бу предметлар, феъллар эса ҳаракат демакдир. Аммо феълларнинг афазик беморларга қийинчилик туғдириши феълларнинг лисоний хусусиятлари, жумладан, аргумент структураси (яъни феълнинг нечта аргумент олиши), ўтимли-ўтимсизлиги, отдан ясалган-ясалмаганлиги билан боғлиқлиги тажрибавий тадқиқотларда исботланган. Масалан, феъл камроқ аргумент олса, уни қўллаш афазик бемор учун осонроқ кечади, икки ёки ундан ортик аргументли феъллар афазиклар учун қийин бўлади.² Бастианси ва Ёнкерс ўз тажрибаларида афазиклар ҳаракатни номлаш топишириғини бажаришда феълнинг ўтимли-ўтимсизлиги натижага таъсир қилганини кузатишган. Беморлар ўтимли феълни ўтимсиз феълга нисбатан тезроқ айта олганлар.³ Бастианси ва ван Зонневилд гап айтиш топишириғида ҳам ўтимли ҳам ўтимсиз бўла оладиган феъллар (*Pete breaks the glass* – Пит стаканни синдирди, *the glass breaks* – стакан синди каби) қўллаганда аграмматик афазиклар учун феъл ўтимли бўлган контекстда гапни осонроқ айта олганларини қайд этганлар.⁴ Олимлар буни ўтимсиз феълларнинг аргументлар сони кам бўлса-да, аргумент структураси мураккаблиги билан изохлашган. Хусусан, ўтимсиз феълларда субъекти ҳам, объекти ҳам битта предмет эканлиги афазиклар учун қийинчилик туғдиради, деб хулоса қилганлар.⁵

¹ Bastiaanse R., Jonkers R. Verb retrieval in action naming and spontaneous speech in agrammatic and anomic aphasia. *Aphasiology*, 1998, 12, 951–969; Caramazza A., Hillis A. Lexical organization of nouns and verbs in the brain. *Nature*, 1991, 349, 788–790; Hillis A. E., Caramazza A. Representation of grammatical categories of words in the brain. *Journal of Cognitive Neuroscience*, 1995, 7, 396–407; Rapp B., Caramazza A. A case of selective difficulty in writing verbs. *Neurocase*, 1998, 4, 127–140; Zingeser L. B., Berndt R. S. Retrieval of nouns and verbs in agrammatism and anomia. *Brain and Language*, 1990, 39, 14–32.

² Thompson C. K., Lange K. L., Schneider S. E., Shapiro L. P. Agrammatic and nonbrain-damaged subjects' verb and verb argument structure production. *Aphasiology*, 1997, 11, 473–490.

³ Jonkers R., Bastiaanse R. The influence of instrumentality and transitivity on action naming in Broca's and anomic aphasia. *Brain and Language*, 1996, 55, 37–39.

⁴ Bastiaanse R., van Zonneveld R. Sentence production with verbs of alternating transitivity in agrammatic Broca's aphasia. *Journal of Neurolinguistics*, 2005, 18, 57–66.

⁵ Ўша манба.

Шунингдек, афазиклар гапнинг одатдаги тартибини осонроқ тушунадилар, аммо ўзгарган тартибни тушуна олмайдилар. Афазик беморлар ёрдамчи сўзларни деярли ишлатмайдилар. Улар ўтган замондаги феълларни қўллашга қийналадилар. Бу каби ҳолатларнинг сабабини англашга ҳаракат қилиш бизга тил тизими ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлишимизга ёрдам беради. Бунинг учун эса афазик беморлар нуткидан кўплаб мисоллар йиғилиши, тилнинг қўлланишига доир турли тажрибалар ўтказилиши даркор.

Афазик беморлар нуткидаги юқоридаги каби ҳолатлардан тил назарияси, унинг ички структураси ҳақида бир қатор назариялар ишлаб чиқилган. Биз мазкур мақоламизда афазик беморлар нутқини ўрганиш фақатгина когнитив психологиянинг вазифаси эмас, бундай нутқ тилшунослик учун ҳам манба сифатида хизмат қила олишига доир бошланғич маълумот бермоқчи эдик. Баҳоли қудрат буни удаладик деб умид қиламиз. Ғарб афазнологиясида ишлаб чиқилган назарияларни ўзбек тили мисолида текшириш билан бир қаторда, ўзбек тилидаги афазик нутқнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ўзбек тилшунослиги олдида турган кечиктириб бўлмас вазифалардан биридир.

Адабиётлар:

1. Лурия А. Р. Основные проблемы нейролингвистики. М., 1976.
2. Лурия А. Р. Язык и сознание. М., 1979.
3. Bastiaanse R., Jonkers R. Verb retrieval in action naming and spontaneous speech in agrammatic and anomia aphasia. *Aphasiology*, 1998, 12, 951–969.
4. Bastiaanse R., van Zonneveld R. Sentence production with verbs of alternating transitivity in agrammatic Broca's aphasia. *Journal of Neurolinguistics*, 2005, 18, 57–66.
5. Caramazza A., Hillis A. Lexical organization of nouns and verbs in the brain. *Nature*, 1991, 349, 788–790.
6. Hart J., Berndt R. S., Caramazza A. Category-specific naming deficit following cerebral infarction. *Nature*, 1985, 316, 439–440.
7. Hillis A. E., Caramazza A. Representation of grammatical categories of words in the brain. *Journal of Cognitive Neuroscience*, 1995, 7, 396–407.
8. Jonkers R., Bastiaanse R. The influence of instrumentality and transitivity on action naming in Broca's and anomia aphasia. *Brain and Language*, 1996, 55, 37–39.
9. Penfield W., Roberts L. *Speech and Brain Mechanisms*. Princeton, NJ: Princeton University Press, 1959.
10. Rapp B. C., Caramazza A. The modality specific organizations of lexical categories. *Brain and Language*, 1997, 56, 246–286.
11. Rapp B., Caramazza A. A case of selective difficulty in writing verbs. *Neurocase*, 1998, 4, 127–140.
12. Tesak J., Code C. Milestones in the history of aphasia. Theories and protagonists. 2008.
13. Thompson C. K., Lange K. L., Schneider S. L., Shapiro L. P. Agrammatic and non-brain-damaged subjects' verb and verb argument structure production. *Aphasiology*, 1997, 11, 473–490.
14. Zingeser L. B., Berndt R. S. Retrieval of nouns and verbs in agrammatism and anomia. *Brain and Language*, 1990, 39, 14–32.

Фароғат КУРБАНОВА (ЎзМУ)

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҲОЛАТ ФЕЪЛЛАРИ ТЕЗАУРУСИНИ ЯРАТИШ АСОСЛАРИ

Аннотация. Бу мақолада тезаурус яратиш асослари, унинг асосий терминлари, дискриптор, аскриптор тушунчалари ҳақида маълумот берилган. Мақолада информация